

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

97 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ–411-сонли Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ–411-сонли Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига 2017 йилнинг 25 сентябридан бошлаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири М.М. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 февраль,
79-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 14 февралдаги 79-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
2017 йилнинг 25 сентябридан бошлаб киритиладиган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 33-модда) 1-бандининг еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да сўзларидан кейин «ва Ўзбекис-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

тон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 26-модда) 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да» сўзларидан кейин «ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) 75-бандидаги «ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўпламида» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида» сўзлари билан алмаштирилсин.